




АЁЛ — ОИЛАНИНГ ОЙНАСИ 4

“ЭКИН ЭККАН ТЕКИН ЕР ЭКАН” 5



ЙЎЛАҚДАГИ АЁЛЛАР

6



СИГИРДАН ПИШЛОҚ СОҒИШ?.. 7

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Ёзги таътил кўнгилли ўтмоқда

Назира БОЙМУРОВА
сурат-лавҳаси.

БАХТЛАР ВОДИЙСИ

Меҳр-оқибатли халқмиз. Ҳамиша яқинларимизнинг эътиборига муҳтожлик сезамиз. Қорнимиз тўқ, устимиз бут, ҳеч бир кам-кўстимиз бўлмаса-да, қариндош-уруғ, дўст-биродарларимиз биздан тез-тез ҳол-аҳвол сўраб туришини истаймиз. Ошна-оғайни, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, ёру дўст ўзига тинч

бўлсин, бизга уларнинг ҳеч нарсаси керакмас, фақатгина бир оғиз ширингина буғдой сўзлари бўлса бас, ҳаммасининг бориға шукр, деймиз...

Яна шундай муҳаббатни ўзимиз туғилиб ўсган заминимизни қиздирган офтобнинг тафтида туямиз. Ҳаёт тақозоси, бурч мажбурияти ва масъулияти туфайли узокроқ жойда са-

фарда бўлсак, она юртнинг ҳавосини, шамолини, ҳатто чанг-тўзонини ҳам қўмсайверамиз ва унга томон интилаверамиз. Зеро, унинг бағридаги оташ муҳаббатдан бунёд бўлганмиз-да. Бу оҳанрабо бизларни ўзи томон тортаверади, чорлайверади.

(Давоми 3-бетда)

ҲИКМАТ

Киши ўзганинг бахтидан бахт топса, у ҳақиқий ҳаётни яшаган ҳисобланади.

ГЁТЕ

Ифтихор

Мухаббат АЛИМОВА, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир:

— Улуғ тантана — буюк истиқлолимизнинг 22 йиллик тўйи арафасида турибмиз. Ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, қўлга киритилган ютуқлар қувонарли. Мамакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларимизнинг жисмонан бакуват, маънавий жиҳатдан етук ва маърифатли қилиб тарбиялашга берилётган юксак эътибор биз ўрта авлод вакиллари, жумладан, таълим соҳаси ходимларини ҳам ҳаваслантиради.

Биргина бизнинг туманда айни кунда 100 та таълим муассасалари мавжуд бўлиб, шунинг 68 таси умумий ўрта-таълим мактаби, 1 та ихтисослаштирилган махсус мактаб, 1 та футбол мактаби, 24 та мактабгача таълим муассасалари, мактабдан ташқари 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва “Баркамол авлод маркази” фаолият

кўрсатмоқда ва ушбу таълим муассасаларида 34 594 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. 2012 нафар педагог-ўқитувчиларимизнинг 1837 нафари ўзбек тилида, 130 нафари рус, 45 нафари қозоқ тилида сабоқ беришади. 8 нафар ўқитувчимиз ўз фанлари бўйича “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2013” вилоят кўрик-танловида иштирок этган бўлса, улар орасида 55-умумтаълим мактабининг иқтисодий билан асослари фани ўқитувчиси Ш.Усмонов фахрли ўринни эгаллади. Иқтидорли ўқувчиларимиз иш-

ФАРЗАНДЛАР БАРКАМОЛ — КЎНГИЛЛАР ОБОД

тироқида “Президент асарлари билимдони”, “Бобур руҳини шод этиб”, “Ўзбекистон — буюк сиймолар юрти”, “Ораста қизлар”, “Зулфияхоним қизлари”, “Сиз тарихни биласизми?”, “Саломатликнинг ёш дўстлари”, “Яшил чирок”, “Томчи сувда ҳаёт жил-васи бор” каби кўрик-танловлари ўтказиб келинмоқда. Чет тилларни янада кенгроқ ўргатиш мақсадида таълим муассасаларида ўқув бурчаклари ташкил этилган бўлиб, 10 та худудий таянч мактабларида чет тили фанларини ўқитиш бўйича тақдиротлар ўтказилди. Буларнинг бари ёш-

таълими аълочиси Людмила Бибокова 48 йилдан бери шу соҳада ишлаб келмоқда. Людмила опа туманимиз ўқитувчиларининг барчасига устозлик қилган десам янглишмайман. Юртимизда ана шундай ёшларга гамхўр, жонкуяр инсонлар бор экан, эзгулик уруғлари боғларимизни яшнатаверади. Улар тарбия берган ўғил-қизлар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишларига шубҳа йўқ. Уч нафар фарзандни камолга етказган, 9 нафар неваранинг суюкли бувижонисига айланган Людмила Бибоковани яқинда кексалик нафақасига кузатдик. Бундай фидоий инсонлар босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлини ёшларимизга ҳар жиҳатдан ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди.

Истиқлолимиз бошқалар қатори менинг оиламга ҳам ўзгача фойда, қувонч олиб кирди. Мустақиллик тенгдоши бўлган ўғлим Музаффар Тошкент Автомобиль йўллари институтини имтиёзли равишда битириб, ўз йўналиши бўйича республика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Қизим Нилуфар Тошкент давлат педатрия институтини талабаси, Дилдора эса ҳамшира бўлиб ишлаётир. Фарзандлар камолотини кўриш оналарнинг кўнглини хотиржам ва обод этади.

Истиқлол туфайли биз аёллар нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ўз ўрнимизга эга бўлишдек катта имконият соҳибасига айландик. Ватанимизнинг шарафли тўйи арафасида ҳар биримиз ўзимиз фаолият олиб бораётган соҳадаги ислохотлар ва ютуқлардан фахрланамиз. Илоҳо, бу улуг бахт биздан кейинги авлодларимизга ҳам насиб этаверсин!

**“Оила ва жамият” муҳбири
Нигора УРОЛОВА ёзиб олди.**



римизнинг истиқболи учун қилинаётган амалий ишлардир. “Обод турмуш йили” Давлат дастурини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давомида мактаб боғи ва гулзорлар ташкил этилиб, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди.

Бугунги кунда ўз ишининг устаси бўлган одамлар ҳурмат, эътирофга сазовор бўлмоқда. Ана шундай мутахассисларимиздан бири туманимиздаги 18-сонли “Табассум” мактабгача таълим муассасаси мудир, халқ

ЛОЙИҲА ЯҚУНЛАНДИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий маркази қошида ташкил этилган “Соғлом авлод” кундузги болалар соғломлаштириш марказида “Ёзги оромгоҳ” мавсумининг ёпилиш маросими ўтказилди.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан 2007 йилдан буён ҳамкорликда ташкиллаштирилаётган ушбу лойиҳа мамлакатимиздаги кам таъминланган оила фарзандлари ва Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги таътил вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишларига қаратилган.

— Марказимизга қарашли ёзги ва киши оромгоҳда болажонларимизнинг кўнглини дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган, — дейди **“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий маркази директори Хотам Ризаев**. — Мавсум бошида ҳар бир бола алоҳида тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур муолажаларни олади. Овқатланиш рацоналари ҳам уларни соғломлаштиришга қаратилган. Бундан ташқари болажонларимиз маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларига жалб этилади. Шаҳримиздаги музей, ҳайвонот боғи, кино ҳамда театрларга саёҳатлар уюштирилади. Бу йили соғломлаштириш оромгоҳи 3 қисмдан

иборат бўлиб, биринчи мавсум 3-15 июнь кунлари оралиғида давом этди ва унда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида истиқомат қилувчи 50 нафар, иккинчи мавсумда эса 19-30 июнь кунлари “Олмасор” туманидан 50 нафар, учинчи мавсумда Чилонзор туманида яшовчи 42 нафар болалар соғломлаштирилди. Шу билан бирга “Ёзги оромгоҳ” лойиҳаси доирасида 18 июнь — 4 июль кунлари Тошкент шаҳридаги 24-сонли Мехрибонлик уйининг 129 нафар ва Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри 14-сонли Мехрибонлик уйининг 21 нафар 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган тарбияланувчилари учун “Оқтош кимёгарлар оромгоҳи” да ҳамда Самарқанд вилоятидаги “Ситора” ёзги болалар оромгоҳида ҳам 240 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари кўнглини дам олишлари ташкиллаштирилди.

“Соғлом авлод” кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳининг ёпилиш маросимида болажонларимиз учун концерт дастури уюштирилиб, Ўзбек давлат циркининг артистлар гуруҳи ва бир қатор кўрик-танловлар соҳиб Достон Эрматовлар ўзларининг гаройиб ва қизиқарли чиқишлари билан кўпчиликини хушнуд этди.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.**

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 274-сонли мактаб қошида очилган “Юлдузча” номли ёзги оромгоҳ бугун кўпчилик болаларнинг сеvimли масканига айланган. Оромгоҳ раҳбари Гулнора Ибрагимованинг изох беришича, бу ерда 8 та гуруҳда 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган 560 нафар ўғил-қизлар ёз бўйи тўрт сменага бўлиниб дам олади ва соғломлаштирилмоқда. Болалар мактаб кутубхонасидаги икки мингдан ортқ бадий китоблардан фойдаланишлари учун шу ернинг ўзида кутубхона ташкил этилган. “Эртақлар — яхшиликка етаклар”, “Русские народные сказки”, “Обод турмуш йили”, “Ёз ўтмоқда соз”, “Чет тилини ўрганамиз” каби кўргазмалар болаларнинг таътилини мазмунли ўтказишларига ёрдам бермоқда. Шунингдек, “Биз баркамол ёшлар”, “Соғ танда

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИК

— соғлом ақл”, “Кувнок усталар мамлакатига саёҳат”, “Ўзбек халқининг урф-одатлари, маросим ва байрамлари, миллий халқ ўйинлари” ва “Ораста қизлар” деб номланган қизиқарли тадбирлар ўғил-қизларнинг билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Яқинда эса бу масканда “Оқтепа” маҳалласи маслаҳатчиси, “Нуроний” жамғармасининг “Ёшлар билан ишлаш гуруҳи” аъзоси Гулчехра Каримова ташаббус билан Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ва шоир Шукур Қурбон иштирокида уюштирилган ижодий кеча болаларда катта таассурот қолдирди.

**Максим МУРАКАЕВ,
Оқтепа маҳалласи хузуридаги
“Камолот” ЁИХ етакчиси.**

Шукуҳ

МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ

Бугун юртимизнинг қай бир худудига бормаёлик, энг улуг, энг азиз мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилаётган тантаналарга гувоҳ бўламиз. Шу муносабат билан Тошкент вилоятида ҳам қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларида маърифий учрашувлар, жонли мулоқотлар уюштирилмоқда.

Янгийўл туманидаги 75-сонли musiқа мактабида Адлия вазирилик, вилоят ҳокимлиги, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти вакиллари, ижодкорлар Нуриддин Аминжонов, Мухайё Тўлаганова, “Файз”, “Шош” гуруҳлари ва musiқа мактаби тарбияланувчилари иштирокида “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида адабий-маърифий учрашув ўтказилди. Истиқлолни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар тадбирга ўзгача фойда бағишлади.

Ўз муҳбиримиз.

ОБОД ВАТАН БИЗНИКИ

Юртимизнинг осмони кўёшли, тупроғи зар, одамлари заргар, дастурхони тўкин. Боғларини жаннатга, тупроғини олтинга қиёслаймиз. Унинг эрки, мустақиллиги, озодлиги учун қанча-қанча ватандошларимиз курашган, шу улуг мақсад йўлида ўз жонларини қурбон қилишган. Улар юртимизнинг бугунги бахтли кунларини кўра олишмади.

Айни пайтда ҳар бир гўшада мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу қисқагина вақт ичида Ўзбекистонимизда ҳар бир соҳада ривожланган давлатлар билан тенглаша оладиган улкан ютуқларга эришилди. Заминимиз кундан-кунга ривожланиб, гуллаб-ўшнамоқда. Бетақорор, бир-бирига ўхшамаган баланд, кўркам, ҳашаматли бинолар, иншоотлар қурилмоқда. Дунё талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, спорт иншоотлари, замонвий даволан жихозлари билан таъминланган шифохоналар, дам олиш масканлари, яшаш учун замонвий услубда қурилаётган бириридан гўзал ва шинам намунали уй-жойлар қад кўтармоқда.

Айниқса, ёшларимизнинг яхши ўқиши, билим олиши, касб-хунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши, чет элларда ўқиб келишлари учун кенг имконият эшиклари очиб қўйилган. Ҳар томонлама соғлом, иқтидорли ва қобилиятли йигит-қизлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, шу юртининг ҳавосидан нафас олаётган, шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган тупроқни азиз билиб, асраб-авайласа, мустақиллигимиз мустаҳкам, абадий, ҳаётимиз тинч-осойишта ва фаровон бўлади.

**Соҳиба ДАВРОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
Ҳамза қурилиш касб-хунар
коллежи ўқитувчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёзнинг оташфатли кунларининг бирида Бухорога отландим. Ажойиб шоира опамиз Ибодат Ражабова билан дийдорлашиб, Чор Бакр зиёратгоҳига бордик.

— Зиёратдан чиққач, кечга томон сизни концертга олиб бораман. Бухоро муғаннийларининг куй-қўшиқларидан тинглаб, раққосларининг санъатидан баҳраманд бўласиз, — деди Ибодат опа.

— Кўпдан буён шундай концертни кўришни орзу қиламан, — дедим хурсанд бўлиб.

Орзиқиб қутилган дақиқалар ҳам етиб келди. Кечки салқин тушиши олдида, Ибодат опа ва журналист Дилором Ҳалимова билан бирга қадим Бухоронинг машҳур “Лаби ҳоуз” и атрофида жойлашган кўҳна “Нодир девонбеги мадрасаси”га бордик.

Болалигимда бибим — Нусхабону бинни Ақобирхўжа билан Лабиҳовузга кўп келар ва шу ердан туриб эртақнамо осори атиқалар — кўҳна шаҳар обидалари гўзаллигига соатлаб термилиб ўтирдик. Жуда кўп эртагу ривоятларни менга қўшиқ қилиб куйлаб берган бибихоним нима учундир шу ерга келганимизда ҳеч нима демас, индамай узоқ ўйга толардилар. Албатта, Лабиҳовузнинг бугунги кўринишини олдингиси билан таққослаб бўлмайди. Чунки, бундан ўттиз-ўттиз беш йиллар муқаддам ушбу қадимжоларга югунгдай эътибор берилмагани учун балки ҳозиргдай файзли кўринмагандир. Аммо, ушанда бибим: “Ҳали Бухоронинг ҳар қадам ери зиёратгоҳ бўладиган замонлар келади. У кунларга етманми ё йўқ, аммо сен албатта шу кунларни кўриб, бибим айтган эдилар, дейсан онажон”, дердилар.

Бибим айтганларидай, бугун Лабиҳовуз нурга, файзга тўлиқ. Нафақат юртдошларимиз, дунё халқларининг табаррук қадамжосига айланган. Минг йиллар оша кўрки тароватига гард юкмаган тарихий обидалар кўзни қамаштиради, кўнгилни ҳайрат, ҳам ҳаяжонга солади.


Лабиҳовузда бизга ҳамроҳлик қилган — Академик ва халқ бадийи жамоалари Бухоро вилояти бўлими раҳбари Рауф Авезов бадийи жамоа таркибидаги “Шашмақом” ансамбли, “Бухорча ва Бухоро гўзаллари” ашула ва рақс ансамбли, “Мавриги” фольклор ансамбллари билан таништирдик. Миллий музикантлар, рақс санъатимизни нафақат вилоятимиз, мамлакатимизда, балки дунёга тарғиб қилиш борасида қилинаётган ишларни фахрлиб сўзлади. Буни қарангки, “Шашмақом” гуруҳи ҳам 1991 йилда ташкил этилган экан. Рауф ака айна кунларда ансамбль ижодкорлари энг

улуғ, энг азиз истиқлолимизнинг 22 йиллик байрамига катта тайёргарлик кўраётгани ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

“Нодир девонбеги мадрасаси”нинг кўҳна дарвозасидан салқин ҳовли саҳнига кирганимизда дунёнинг турли гўшаларидан юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар аллақачон ўзлари учун белгиланган жойларни эгаллаб, концерт бошланишини кутаётган эди.

Концерт дастури тугаши олдида шу аёл ўрнидан туриб, биз томонга қараб кела бошлади ва қутилмаганда ёнимда ўтирган Ибодат опа билан иқовлон дабдурустдан кучоклашиб, кўришиб кетишди. Мен уларни эски танишлар экан-да, дея ўйлашга ҳам улгурмасимдан шоира опамиз хаяжонланди.

БАХТЛАР ВОДИЙСИ



лар.

Хоразм, Фарғона, Тошкент, Бухоро йўналишларида ижро этиладиган, миллатимизнинг бой кўрки, таровати, неча минг йиллик меросини ўзида мужассам этган куй-қўшиқлар сеҳри кўнгилларни селоб қилади. Чет элликлар ҳар бир куй, қўшиқ ижросини катта эътибор, ҳавас ила тинглашар, завқланиб, бир-бирига қараб кўйишарди.

Концерт чоғида рўпарамиздаги столда ўтирган бугдой ранг, қора соч, қоп-қора қош-кўз ва ўзбекона нигоҳла боқувчи ўрта ёшли бир аёл кўринишидан европаликка монанд киши билан суҳбатлашар ва нимагадир биздан ҳеч кўзини олмас эди. Бир қарашда у чет элликка ўхшар, бошқа тарафдан ўзимизга ҳам монандлиги бордай эди. Жуда келишган, кўркам, гўзал ва яхши кийинган, бежирим пардоз қилганига қараб, мен уни таржимон-гитларимиздан бири бўлса керак, хорижлик меҳмонга маданиятимиз ҳақида гапириб бераётгандир, деб ўйладим.

— Боядан буён биз томонга қарайверганингизга ким экансиз, деб роса ўйлабман, ўзимиздан экансизку, — дедилар қулиб.

— Ўзимга ўхшаганларни кўрганим учун ҳам кўзларимни сиздан уза олмадим.

Ўзини Ялдо хоним дея таништирган бу аёлнинг талаффузидан ўзбекистонлик эмаслигини дарров сездик. Ёнимиздан жой кўрсатиб, ўтиришга таклиф этдик. Ялдо опа бизга томон қулиб қараб турган европалик ҳамроҳини ҳам қорлади, уни турмуш ўртоғим дея, биз билан таништирди.

— Сизга бир қараб, бухороликмикан, деб ҳам ўйладим. Кейин яна бир кўзим тушганида, сигарет тутатаётган экансиз. Буни кўриб, ҳа, бу аёл бизлардан эмас экан, дедим, — деди Ибодат опа.

Ялдо хонимнинг чақнаб турган кўзлари бу бирозгина кўполроқ ўхшатишдан ҳам завқланаётгандай кўринарди. У опага ташақкур билдириб, бизнинг тахминларимиз бежиз эмаслигини, онаси бухоролик, отаси эса

қаршилиқ бўлганини айтди. Ота-бувалари бундан етмиш-саксон йиллар муқаддам бутун оиласи билан ватандан чиқиб кетишганини гапириб берди ва “Мен ўзбекистонга, Бухорога келиб йиғладим”, деди.

— Нега йиғлайсиз? Қайтанга ота-боболарингиз юртни кўрганингизга хурсанд бўлмайсизми, — дедик.

Ватандошимиз ўзбеккона қилиб, шуқр, деди ва қувонгандан йиғлаганини, аммо бу ёруғ кунларни ота-оналари кўрмай кетишгани-ю ўзи ҳам ана шундай жаннатмонанд юртда гўзал, саҳий қалб инсонлар бағрида тугилиб-ўсиши мумкинлиги, аммо насиб этмаганидан ўқсганини айтди.

— Сиз ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатига яшайсиз. Ажойиб касбингиз, (инженер экан) фарзандларингиз, саёҳатларга олиб чиқадиغان шундай турмуш ўртоғингиз бор экан, — дедик унга.

У эса сизниққина жилмайди:

— Бизда ҳамма нарса бор. Аммо сизлардагидек ўзбеккона меҳр-оқибат йўқ-да. Масалан, мен германиялик ўн йиллик яқин дўстим, сирдош дугонам билан сўзлашгим, дардлашгим келсаю кеч соат тўққиздан кейин унга кўнғирок қилсам, нимага шундай вақтда уни безовта қилганимга ҳайрон бўлади. Ўзбеклар эса истаган вақтда ҳадди сиғиб бир-бирининг кўнгли мадади-га бемалол суянаверадилар...

Ялдо хоним сўзлай туриб эрига қаради, у ҳам бу фикрларни тасдиқлагандай бош ирғаб турарди. Шунда неча йиллар давомида томирида ўзбекнинг қони оқаётган мана шу — шарқона лутфга, меҳру муҳаббат, муносабатга ташна қалб аёл билан бирга яшаётган бу инсонга ҳам Ялдо хонимнинг қалб изтироблари бегона эмасдир, деган ўйлар кечди кўнглидан.

Биз эса бир муддат унга қандай тасалли сўз айтишни билмай қолдик. Ибодат опа суҳбат асосида бухоролик санъат усталарининг концерт дастури тасвири туширилган дискни Ялдо хонимга совға қилди.

— Мен бу қимматбаҳо совғани болаларим учун энг қувончли воқеа сифатида қабул этаман ва бу ҳақда уларга гапириб бераман, — деди у. — Энди хайр. Сиздек бахтиёр инсонлар билан танишганимдан жуда хурсандман.

Дарвозадан чиқиб кетар экан, Ялдо хоним бизга қўл силтаб хайрлашди. Шундан сўнг у кетди. Дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган ўзига хос андиша, мулозаматга ташна бўлган, узоқ тарихнинг аччиқ аламларини дилига кўмган ватандошимиз, кўзларимизга тўтиё, юрагимизга малҳам бўлгучи Ўзбекистон — Бахтлар водийсида тугилиб, ўсмок, унинг меҳридан ҳар дам, ҳар лаҳза қониб яшамоклигининг ўзи улуғ бахт — толе эканлигини бизга яна бир бор эслатиб кетди...

Юлдуз КАРИМОВА,
журналист.

Қадимдан маълумки, оила деб аталмиш муқаддас қўрғоннинг пойдевори, мустаҳкам чегараси, икки инсонни боғловчи ришта, бу расмий никоҳдир. Никоҳ оилани вужудга келтиришининг ягона негизи бўлиб, ахлоқий меъёрларга таянади. Қонунга биноан, никоҳ тузиш шартларидан энг муҳими — никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганлиги ҳисобланади.

ПОКЛИК ВА СОФЛИК ТИМСОЛИ

Оила поклик ва софлик, икки томонлама муҳаббат, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Рўзгор мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Унинг осойишталиги шу хонадондаги тинчлик-хотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий муносабат оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Биламизки, чирой-

ли хулқ-одоб ҳар бир инсоннинг маънавий қиёфасини ўзида акс эттиради.

Ҳар бир оиладаги энг асосий мезон — икки томоннинг бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлаши, ташвишли ва қувончли дамларда бир-бирига ҳамдард, ҳамнафас бўлишини таъминловчи ҳаракат уйғунлигидир. Ота-онанинг муқаддас бурчи ва вази-фаси нафақат фарзандни

дунёга келтириш, балки уларни юксак маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини мустақил равишда топиб олишига шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Оила муносабатлари, асосан, ота-она ва фарзандлар ўртасида кечгани боис ота шу ғушанинг ус-тунни, сарбони ҳисобланади. Турли муаммоларни ҳал қилишда оқил, сабр-

тоқатли, баъзан қаттиққўл, тежамкор отанинг ҳам, меҳридарё, бағрикенг юмшоққўнгли онанинг ҳам ўз ўрни бўлиши табиий. Оиладаги соғлом муҳит, ота-она тарбияси орқали нафақат фарзандлар камоли, жамиятнинг бугунги кунни, балки унинг истиқболлини ҳам белгилашда муҳим ўрин тутаяди.

Эътиборхон БҶОРОНОВА,
Тайлоқ туман ФХД
бўлими мудир.

“Баҳор ёмғири”, “Муҳаббат можароси”, “Умид”, “Карвон”, “Суюнчи”, “Сен менинг кўшигимсан”, “Бу ажойиб йигит”, “Қирғоқ”, “Оловли йўллар”, “Ажойиб хаёлпараст”, “Чинор остидаги дуёл” каби 30 га яқин фильмларда суратга тушган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аида Юнусованинг бетакрор нигоҳлари, гўзал сиймоси кўз ўнгимизда муҳрланиб қолган. Унинг фильмларда суратга тушмаётганига 30 йил бўлди. Яна ижод оламига қайтгани ҳақида эшитиб, роса қувондик. Йўқлаб борганимда рўпарамда ҳалиям олдингидек ихчамгина, табасуми ва либослари ўзига жуда ярашиб тушган, бир гапириб, бир куладиган Аида Юнусова турарди.

Аида Юнусова:

АЁЛ — ОИЛАНИНГ ОЙНАСИ

— Аида опа, очик айтишим керакки, сиз бир пайтлар халқимиз орасида энг машхур актрисалардан бири бўлгансиз. Иштирокингиздаги фильмларни ҳамон севиб томоша қиламиз. 30 йил болалар тарбияси билан уйда ўтирганингизда ичинингизда оғриқлар, армонлар бўлмади? Ахир санъатдан кўра оилани устун қўйдингиз ва аёл киши учун энг муҳими шу, деб ўйлагансиз-да?

— Шундай деб ўйладим. Бунинг устига кенжаларим ўғил болалар бўлган. Илгари ойим ҳаёт эдилар, болаларимга жуда яхши қарардилар. Онамнинг вафотидан кейин болаларни ташлаб, ишга чиқиб кетишни ўзимга эп кўрмадим. Бошқа соҳада ҳам ишламадим. Кичкиналарим улғайгунча, қизларим турмуш узатиладиган ёшга етишди.

— Оилада эру-хотин тортишиб қолса, ким биринчи бўлиб ён босиши керак, деб ўйлайсиз?

— Эрак ва аёл бир-бирига суянчиқ бўлиши керак. Шунанга дақиқалар бўлганки, турмуш ўртоғим кўнглимни кўтариб, “Юр, сени яхши жойларга обориб айланттириб келаман”, деб олиб кетардилар. Эрак оила устун. У уйда қанақа тартиб кўлласса, оила аъзолари ҳам худди шундай тартибда камол топади. Фақат бу қонда оқилона бўлиши керак.

Аёл эса эракдан бир поғона пастда туради. Ахир ҳар қандай зиддиятнинг олдини олувчи бу — аёл-да. Агар у эри ва болалари ўртасида адвокатлик қилмаса, гўёки бир ойна вазифасини ўтамаса, вазият оғирлашиб кетади, менимча. Ота болаларидан норози бўлган кезларда вазиятни юмшатиб, ҳар иккала томонни ўзаро муросага қақчириб туради. Мен ҳам оилада ана шундай адвокатлардан бириман.

Аёл эрак кишининг тилини топиши керак. Одамнинг ёмон хислатларини ўйлайвермасдан, яхши томонларини ҳам кўра билиши керак. Агар ёмон деяверсангиз, яхши одам ҳам энг ёмонга айланиб бораверади.

— “Баҳор ёмғири” фильмидаги ролингизни томошабинлар узок йиллар эслаб юришган. Ушан-



да неча ёшда эдингиз?

— Институтнинг охири курсида ўқирдим. Битта фарзандим ҳам бор эди. Анатолий Кабулов институтимизга келиб, бош ролга актриса қидирган. Устозимиз Нина Тимофеевна ҳеч иккиланиб ўтирмай, мени тавсия қилган. Бош қахрамоннинг руҳияти негадир менга жуда яқин эди. Унда ўзимни ўйнагандекман. Шу ролни ижро этганимдан кейин мени “Ўзбекфильм”да ишга олиб қолишган. Лекин театردа ўйнашни орзу қилардим. Кинода эса кетма-кет роллар бераверишди. Дам олишгаям вақт йўқ эди. Кўлимда иккита болам билан ойим иккаламиз суратга тушиш майдончасига кетаверардик. “Муҳаббат можароси”да иккинчи кизим туғилган. Кино Паркентда суратга олинган. Ҳар уч соатда бориб, чақалоқни эмизиб келардим. Шундай қилиб кинода қолиб кетдим...

— “Ажойиб хаёлпараст” фильмида шахарнинг қок ўртасида туғилган қиз муҳаббати туфайли қишлоқлик йигитга турмушга чиқиб, шу ерда яшайди. Бу кино жуда машхур, ҳар қанча томоша қилсак-да, жонга тегмайди.

— Жуда улкан истъдод соҳиби Бахтиёр Ихтиёров билан бу ролни ижро этишим осон кечган. У киши, биласиз, партнёрини ўзига жалб қила оладиган кучли санъаткор. Эсимда қолгани: суратга олиш жараёнида қуёнларнинг кўпи ўлиб қолган, қанчаси қочиб кетган. Бундай иссиқда актёрлар зўрга чидаганда, қуёнлар қандай чидасин? У пайтларда суратга олиш ишлари оила, ҳатто йиллаб давом этарди. Бугун эса бир ой ичида фильм суратга олишга ётганини кўриб ҳайрон бўла-

миз. Шундай бўлиши мумкин экан-да?

Мен ўзимни энг бахтли актёрлар қаторига қўшаман. Афсонавий санъат даргалари — Ҳамза Умаров, Олим Ҳўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Зикир Муҳаммаджонов, Бахтиёр Ихтиёров, Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев, Лутфулла Саъдуллаев, Рустам Саъдуллаев каби машхур санъаткорлар билан суратга тушганман. Уларнинг ёнида ролни ёмон ижро этиб бўлмасди.

— Томошабини жалб этган нарса, бу сизнинг ўтти нигоҳларингиз эди, десам муболага бўлмас...

— Нигоҳлар одамда туғма бўлади. Унга актёрни ўқитиш, ўргатиш қийин. Домлаларимиз айрим курсдошларимизга “Ўйнаганларинг яхши, кўринишинг яхши, лекин кўзларинг қуруқ”, дейишарди. Билмасам, менда сиз айтган хислатлар яширин бўлса керак, ўзимга сезилмаган.

— Суратга олиш жараёнида унутилмас бўлиб ёдда қолган воқеалар ҳам бўлганми?

— Сурхондарёда пахта даласида суратга олиш ишлари кетаётган эди. Пахта терадиган машинани кўриб, уни ҳайдай оламан десам, ҳеч ким ишонмади. У пайтларда аёл кишиларнинг машина ҳайдаши жуда камёб эди-да. Мухбирлар ҳам ишонқирамай қараб туришибди. Пахта териш машинасига ўтирдим-у, ғириллатиб юргизиб кетдим. Эртаси куни мухбирлар менинг пахта териш машинаси ҳеч иккиланмай ҳайдаб кетгани ҳақида газеталарда роса хабарлар ёзишган (қулади).

— Аида — жуда чиройли исм. Уни ким қўйган? Шу ўринда ота-онангиз

Гурун г

ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Биз асли марғилонликмиз. Ойим ўз даврининг энг фаол аёлларидан бири бўлган. Масъул вазифаларда ишлаган. Дадам ҳуқуқшунос эди. Ойим ҳаммаизнинг исми мимизни энциклопедияга қараб қўйган эканлар. Мактабни тугатиб, опам билан Марғилондан Тошкентга ўқишга келганман. Ойим мени Фармацевтика институтига ўқишга киришмни истарди. Чунки иккита опам шифокорлик касбини танлашган эди-да. Менинг орзуларим бутунлай бошқача эди. Мактабдаги барча тадбирларда роллар ўйнардим. Актриса бўлишни қанчалар орзу қилишимни уйдагилар билишмасди. Опам билан Тошкентга келгач, унга юрагимда борини тушунтирдим ва ҳужжатларимни театр ва расомчилик (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтига топширдим. Қани омадимни синаб кўрай-чи, дедим ва бахтим чопиб кириб кетдим. Энди уйдагиларга бу гапни қандай айтаман, деган ўйда ойимга кўнғироқ қилдим. Бу пайтда дадам оламдан ўтган эдилар. «Театральнийга кирдим» десам, ойим телефон гўшагини қўйиб қўйди ва мен билан бир ой гаплашмадилар. Оналар барибир кечиримли бўлишади. Охири кечирдилар. Машхур бўлиб кетдим ва суратларим журналларда босилганида, роса қувонардилар, иккита-учталаб сотиб олиб яқинларимизга тарқатганлари эсимда.

— Аида опа, яна кинога қайтибсиз. Янги фильмда суратга тушаётган экансиз?

— Мазам қочадиган бўлиб қолди. Юрагим сиқилар, томғимга бир нима тиқилиб ўз-ўзидан йиғлагим келарди. 30 йил уйда ўтирган бўлсамда, 30 йил хаёлим ишда бўлди. Хаёлимда Нодирабегим, Увайсий, олима аёллар, тиббиёт, ҳуқуқ соҳасидаги бугунги кун қахрамонларини ўйнагим келарди. Бир куни ҳўжайинимнинг кайфиятлари яхши пайтида, “Мана, болалар катта бўлиб қолишди. Ишимни соғиндим, ишласам майлими”, дедим. “Ўзингни яхши ҳис этсанг, ишлайвер”, дедилар. Ишлаша рухсат берганларини атрофимдагиларга айтсам, ишонишади (қулади). Ўйлаб-ўйлаб кино студияга бордим. Роза деган кадрдонимиз бор у ерда. Кинога қайтиб келдим, десам, “Яхши қилибсан, суратларингни олиб кел”, деди. Суратга тушиб олиб бордим. Орадан кўп ўтмай, режиссёр Иброҳим Расулов кўнғироқ қилиб: “Битта роль бор, ўйнайсизми, Эркин Комилов партнёрингиз бўлади”, деб қолди. Суратга олиш майдончасидан яхши кайфият билан уйга қайтаётганимни кўриб, турмуш ўртоғим: “Ҳа, сенда жуда яхши ўзгаришлар бор”, деб қулдилар...

Мехринисо ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.



КЎЗГУ — тилимизда қаршисидагини акс эттирадиган ойна маъносини ифодалаган “кўзгу” сўзининг туб илдизи “кўз” сўзига бориб тақалиши ушбу сўзнинг шаклидан кўриниб турибди. Қадимда “кўз” сўзи “қара” деган мазмунни ҳам ифодалаган. Ҳозир ҳам “кўз солди” ибораси “қаради” маъносида келади.

Котиба дераза ёнидаги буй баравар келадиган кўзгу ёнига келди.

Журналдан

БУРОМАД — “Буромад” сўзи “даромад” сўзининг зидди маъносиде келади. Бу сўзгиларга бу гапни қандай айтаман, деган ўйда ойимга кўнғироқ қилдим. Бу пайтда дадам оламдан ўтган эдилар. «Театральнийга кирдим» десам, ойим телефон гўшагини қўйиб қўйди ва мен билан бир ой гаплашмадилар. Оналар барибир кечиримли бўлишади. Охири кечирдилар. Машхур бўлиб кетдим ва суратларим журналларда босилганида, роса қувонардилар, иккита-учталаб сотиб олиб яқинларимизга тарқатганлари эсимда.

Даромадга қараб буромад.

Мақол

Буромад бўлмаса, даромад бўлмас.

Мақол

КЎЙЛИК — тилимизда жой маъносини ифодалаган “қўйлик” сўзининг туб илдизи, айрим манбаларда таъкидланишича, “қуйилик”, “пастлик” деган маънони англатган. Эҳтимол бундай манзил дарёнинг қуйи қисмида жойлашган жой маъносиде “қуйилик” деб аталгандир. Шунингдек, “қуйи бор” мазмунидаги “қўйли” сўзи ҳам “қўйлик” сўзига яқиндай туюлади.

Улар Қўйлик бозори атрофида учрашадиган бўлишди.

Газетадан

КАРВОН — ҳаммаизга яхши таниш бўлган “карвон” сўзининг дастлабки “қар” қисми асли “қор” бўлиб, у “иш”, “меҳнат”, “вазифа” маъноларини англатган. Бу сўздаги иккинчи “вон” қисми эса, асли “бон” бўлиб, “қузатувчи” мазмунини ифодалаган. “Карвон” сўзининг туб илдизи “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да шундай изоҳланган.

Ит хуради, карвон ўтади.

Мақол

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

“ЭКИН ЭККАН ТЕКИН ЕР ЭКАН”

дейди ургутлик ибратли оила сохиблари

Тоғлар билан ўралган Ургут туманидаги «Кулқишлоқ» фуқаролар йиғини қотиби Азамат Сайдуллаевнинг хонадониди бўлганимда ҳовлига кирган заҳотим ниғоҳим тушган яшилқандан дилим яйраб, аёл кўларидан бунёд бўлган гулу райхонларнинг хуш ифоридан сархуш бўлдим. Ҳа, инсон чиндан ҳам табиийлик, сокинлик, яшиллик ва гўзаллик бор жойда гам-ташвишларини унутиб, руҳий хотиржамлики ҳис қилади. Чунки, у табиат фарзанди. Шу боис ҳам табиатни онам дейди.



Азамат аканинг турмуш ўртоғи Мўтабар опа ҳамда фарзандлари Ориф, Бунёд ва Баҳораларнинг меҳнати ҳосиласи натижасида кенг ҳовли ва иссиқхонада яшнаб турган помидор, бодринг каби турфа хил сабзавот экинларини, лимон, банан каби мевали дарахтларни кўриб кўзлар қувонади. Иссиқхонага кириб, уларнинг ҳар бирини ҳайрат ва ҳавас билан кузатар эканман, «Дехқоннинг хазинаси — ер, калити — тер», «Ер ичида олтин бор, қазий берсанг, топасан» деган аjoyиб халқона мақоллар ёдимга тушди.

Ҳа, «Кўз кўрқоқ, қўл ботир» деб шунга айтсалар керак-да. Бўлмаса, узунлиги 35, эни 6 ва чуқурлиги 2 метрни ташкил қиладиган иссиқхонани қовлаб, унга кишин-ёзин меҳр бериб экин-тикин қилишга ҳаммининг ҳам юраги дов бермаслиги аниқ. Чунки бу ердаги ҳар бир ниҳол ўз боғбонидан ёш болага меҳр бергандек парварини талаб қилади.

— 2012 йилдан бошлаб иссиқхонада лимон етиштиришни бошладик, — дейди хонадон соҳиби Азамат Сайдуллаев. — Президентимизнинг томорқадан унумли фойдаланиш бўйича қарори чиққандан сўнг иссиқхонага 50 туп лимон кўчати экдим. Ниҳолларим шу йилдан ҳосилга кирди. Январ ойидан бошлаб иссиқхонада кўкат экишни бошлаймиз. Авваллари кўкат экиб бойиш мумкин, дейишса, ишонмасдим. Турган-битгани барака экан. Мана, йил бўйи кишлоғимиздаги дўкон ва ошхоналарни ошқўк билан таъминлаб келаяпмиз. Иссиқхонамиз қишда ёпиқ, ёзда очик бўлади. Махсулотларнинг бари она ернинг тафти билан пишди. Яна битта шундай иссиқхона қуришни режалаштиряпмиз.

— Дехқончиликнинг меҳнати оғир бўлса ҳам, шунга яраша роҳати бор, — дейди Мўтабар опа. — «Экин эккан текин ер» деб бекорга айтишмаган экан. Кишин-ёзин дастурхонимиздан ошқўк аримайди. Фарзандларим ҳам ўқишдан ташқари вақтда меҳнат билан банд бўлгани учун соғлом вояга етишмоқда. Ўзим ҳам доимий иш билан бандман. Зерикишга вақт йўқ. Меҳнат инсоннинг ҳаётини мазмунга тўлдирди. Ҳалол меҳнатимиз орқали фарзандларимизнинг барини илм-маърифатли қилмоқчимиз.

Нақшбандий ҳазратлари айтганидек, «Қўлинг ишда, қалбинг Аллоҳда бўлсин». Гулдек уч фарзандни тарбиялаб, уларни жамиятга фойда келтирадиган оқил фарзандлар қилиб вояга етказаятган Азамат ака ва Мўтабар опанинг туриш-турмушига ҳавас қилса арзийди. Боиси, бутун меҳрини элга ва ерга берган бу инсонлар ўз оиласи кўргонига ҳалол меҳнатдан тамал тоши қўйишганки, бундай кўргонни ҳеч қандай куч бўлмайди. Унда уним-ўсаётган чечакларнинг эртанги ҳаёти ҳам албатта нурафшон бўлгусидир.

Назира БОЙМУРОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Самарқанд вилояти.
Суратни муаллиф олган.

Бўка туманидаги Ачамайли Файз маҳалласи туман марказидан анча ичкарида жойлашган. Барча худудлар каби бу ерда ҳам мактаб, савдо дўконлари-ю, маийши хизмат кўрсатиш шохобчалари узлуксиз ишлаб турибди.

— Ташаббускор ёшлар келажак гаровидир, деб бежизга айтишмаган, — дейди маҳалла оқсоқоли Тошбой Йўлдошев. — 1989 йилда ишга туширилган болалар боғчаси ўрнида «Наргиз» номидаги 17-сонли мактабга таълим муассасаси барпо этилган эди. Нима бўлди-ю, муассасани иши тўхтаб қолди. Ҳар гал шу бинога кўзимиз тушганида, кўча-қўйда онасининг этагидан тугтиб юрган болакайларнинг тақдирини ўйлаб бош қотирардик. Утган йили мактабимизнинг тиниб-тинчимас, гайратли муаллимларидан бири Наргиза Қорабоева шу масалада ташаббус билан чиқди. Аввалига бошланғич ишларни йўлга қўйгач, пойтахтда малака ошириб, шу йўналиш бўйича мутахассис бўлиб қайтди. Наргизанинг отасига раҳмат, куну тун қилган меҳнатлари эвазига ҳозирда маҳалламизнинг етмишдан зиёд болалари бу даргоҳда тарбияланишмоқда.

ТАШАББУСКОР МУРАББИЙ

— Бундан бир йил аввал турмуш ўртоғим Ҳусниддин акага ушбу мақсадимни билдирганимда роса хурсанд бўлиб, қўллаб-қувватладилар. Ота-онамни айтмайсизми, «Қизим бир жамоага раҳбар бўлдинг, у ернинг паст-баландига чидаш, қийинчиликларига қарши матонат билан курашиш керак. Шу ишни қиламан, деган эзгу истак юрагингда туғилибдими, демак, шаштингдан қайтма», деб тайинлашди. Уларнинг ва қайнона-қайнотамнинг дуолари, мададлари менга куч бағишлади. Лекин билардим, ҳеч бир ташаббуснинг рўёбга чиқиши осон кечмаслигини. Шунинг



учун ҳам куну тун меҳнат қилишга тўғри келди. Аввалига битта гуруҳни очиб мақсадида хоналарни таъмирладик. Боғча қайта очилганини эшитиб, қишлоқ аҳли болаларини олиб келавегач, кейинги тўртта гуруҳни ҳам ташкил этишга тўғри келди. Бугунги кунда 140 ўринга мўлжалланган боғчамизда 75 нафар болар тарбия олмақда. Тўғриси, кишлоғимизда ўрта махсус маълумотга эга қиз-жувонлар кўпчиликини ташкил этади. Олти нафар педагог мутахассислар иштирокида ана шундай қиз-жувонлардан ўн беш нафарини саралаб олдик ва иш билан таъминладик. Ҳозирда 23 нафар ишчи-ҳодимлар фаолият юртишмоқда. Мақсадимиз, келажакимизнинг ҳар томонлама билимли ва кучли ворисларини тарбиялаб вояга етказиш. Тарбиячиларимизнинг саъй ҳаракатлари туфайли қўл меҳнати билан тайёрланган турли хилдаги кўргазмалар қуроқлар, ўйинчоқлардан иборат бурчақлар ташкил этганимиз. Бу йил кўламда муассасамиз атрофига манзарали ва мевали кўчатлар ўтқаздик. Ушбу жараёнга болаларни ҳам томошабин, ҳам иштирокчи сифатида жалб этдик. Натижада фарзандларимизнинг табиатга, атроф-муҳитга бўлган қарашлари, муносабати кескин равишда ўзгариб бормоқда.

Ота-оналар билан тез-тез мулоқот, учрашувлар ўтказаяпмиз. Баҳорда маҳалламиз билан ҳамкорликда кишлоғимизнинг 400 нафардан зиёд аёлларини тақлиф этиб, «Оиламиз бахти аёллар» деб номланган тадбир ўтказдик. Шу баҳонада уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганиб чиқдик. Жорий йилда Давлат дастури асосида капитал таъмир ишларини бошламоқчимиз. Айни дамда соғломлаштириш ойлгини ўтказаяпмиз. Болажонларимиз катта иштиёқ билан турли мусобақаларда иштирок этишмоқда. Ой бошида олиб келган сунъий ҳовузчамиз болалар ихтиёрида.

Ҳамкасбларимиз билан бирга муассасамизни республикамизнинг энг намунали масканларидан бирига айлантиришдек ёруғ ният билан фаолият юритяпмиз.

Нигора ЎРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўхтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва депиляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинадада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қуилик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

БИР ҲОВУЧ ДУР

Ўрганиш ҳеч қачон кеч эмас.

Квинтилиан

Ҳечдан кўра кеч.

Тит ЛИВИЙ

Келдим, кўрдим, галаба қозондим.

СЕЗАР

Бернард ШОУ

Ҳаммага дўст бўлган одам ҳеч кимга дўст эмас.

АРАСТУ

Ютганинг ўзингники, чайнаганинг — гўмон.

ЧЎЛПОН

...Унинг эътиборини деразага туташган Кўкон гилоси ўзига тортиди. Ним қизарган мевалар чироқ ёғдусида ёлқиланиб турарди. Табиатнинг мўъжизасини қаранг, кечагина куртак ёзган даракнинг меваси бугун қизара бошлабди. Кўчага деярли чикмаганими, атрофдаги ўзгаришларни ҳам пайкамабди. Балконда турганича гилос шохларига термилиб қолди. Пастдан кўшни аёлларнинг гурунги қулогига чалинди. Улар билан бироз чақ-чаклашгиси келиб, ташқарига чикди. Ўриндикнинг бир четига бориб ўтирди.

— Вой, болалар ҳозиргина овқатланишди. Сулаймон укангиз кеча икки кило кўй гўшти олиб келувди, хил-хил пишириб берсам, бу шумтаклар ноз қилиб ейишмаса дег. Нимамиш, думбани ёмон кўришармиш. Вой омон бўлгурлар-ей, айримлар оч-наҳор юрганда буларнинг нозланишига ўлайми? Хов, Санжар, қара, йўқиласан! — дея жавраётган хотинга бошқалар энсасини қотириб қараб туришарди. У гап орасида:

— Хой Сарвар, қопингдан конфетинг тушиб қолмасин-а? — деганида икки аёл бир-бирига маъноли қараб, кулиб кўйишди.

— Ҳ-ў, кўрмаганининг кўргани курсин. Бир-икки ой Тошкентда, қариндошникида яшаб келганидан бери ўзгариб қолди бу кишим, гап-сўзлариям галати...

— Хов, Санжар, шортигинг қиммат туришини билмайсанда, аданг уни ипподромдан олиб келувди-я? Сенга бўздан бошқаси чидамайди зумраша! Сарвар, тўппончанг

қани, бировга бермай ўйна! Вой, Нозима хола, шиппаки қанчага олдингиз? Меники ўзимга кичкина бўлиб қолган экан, оймимга бердим. Мухли-

та униқан костюм, ёзда-чи, ёзда... — Ҳи-хилаб қулди аёл. — Сап-сарик битта кўйлак, модаси отам замонидан қолган... Хойнаҳой, қўлидаги тилла узук "прокат" бўлса керак. Онасиям шунақа писмиқ эди, на ёлчтиб киярди, на тўй-маъракаларга бориб ўйнаб-қуларди.

Унинг газиби тошди. Бу аёлга Мухлисаннинг онаси бир умр мактабда энг яхши ўқитувчи бўлганлиги, оҳорли кийинмаса ҳам ханузгача ҳаманинг хурмати сазовор эканлигини эслатиб кўйгиси келди, лекин индамади. У билан баҳслашгиси, тортишгиси келмади. Шаллақилигини билади, кўшнларнинг олдида изза қилиб, ҳақоратга кўмиб ташлаши тайин.

Яна нималардир деб мингирлади. Лекин ёнидагилар миқ этмагач, юраги сикилди. Дабдурустан Вазирага бурилиб: "Сизни нега Индамасхон дейишади, кўшнжон?" деса бўладими. Аёллар бир-бирига сирли термилишди. Лекин Вазира бундан сира ажабланмади, аксинча, жуда самимий қабул қилди. Индамасхон! Бир вақтлар эри раҳматли уни шундай деб қақирарди. Тавба, буни бировдан эшитмаганимни ишқилиб? "Сен менинг энг яқин тингловчимсан, уришсам индамайсан, бақирсам индамайсан. Гапирсам индамайсан. Аммо ўннга гапимга битта ақли жавоб оламан, шунгайм шукр", — эри-

нинг гаплари эсига тушди шу алфозда...

— Кечирасиз, кўшни, бозорингиз анча чаққонми, дейман, сира кўринмайсиз?
— Бир нави, раҳмат.
— Кечирасизу, сизни ўқимишли деб эшитгандик, бозорга чиқасизми?
— Тирикчилик...
— Ажрашганмисиз?
— Йўқ...

Мухлисага ўхшаб у ҳам ўрнидан кўзгалди. Бўлмаса, мана бунга ўхшаган сафсатабоз хотинлар унинг шахсий ҳаётидан солнома яратадилар. Уйига кириб кетгач, кеча чала қолган пайпоғини тўқишга тутинди. Кейин ўғлининг кўйлагини дазмоллади. Қизининг дафтарларини текширди. Кўчада ярим соатгина ўтирсаям кўшнларидан унга гапиришга навбат тегмаганига қувонди. Уларга ниманиям гапиради? Ҳар бир оиланинг ўз сир-асрорлари бўлади, ахир. Етишмовчиликдан гапирётган манови хотинларни дунёнинг зилдек ташвишлари босиб қолган кўринади. Бу ташвишлар кимда йўқ дейсиз? Уни дастурхон қилаверишдан не наф. Яхшиси, бошқа бирор фойдали омушлар билан андармон бўлгани дуруст эмасми? Яна ким билсин...

Секин ётоқхонага кирди. Кенжа кўзи пишиллаб уйкуга кетган, тўнгичи китоб ўқиб ётарди.

— Санобар, китобни ётиб ўқима, қизим, кўзингга зиён бўлади.

— Хўп, онажон.

Ўғлининг ётоғига мўралади. Султоналининг чироғи кўпинча ўчирилмай қолишини билади. Журнални юзига ёлганча пинакча кетган боласининг қўлидан журнални ва кўзойнагини олиб кўйди-да, устига аёл ёпди.

Яна айвонга чикди. Бояги кўшни аёллар ҳамон "дунё ташвишлари"дан бонг уриб ўтиришарди. Учинчи қаватдан эркак кишининг қаттиқ гапиргани эшитилди.

Буни ҳаёт дейдилар

— Хўв-в, боланинг иштони ни алмаштир!
— Уф-ф, кўли синганми, бирпас дам олишга кўймайди-ей!

Бошқа бир деразадан яна бир эркакнинг сўкингани эшитилди:

— Хожар, уйинг борми сенининг?! Кундуз кўчадасанлар, кечасиям...

Орадан ярим соатлар ўтгач, ўриндиклар бўшаб, борлиққа сукунат чўмди. Унинг толиққан оёқлари ўзига бўйсунмасди. Кўрпачага узала тушди. Кечаги чиқимларининг ҳисобини олиб, блокнотига ёзиб кўйди.

Бояги келинчакнинг гапини эслаб бир хомуш тортиди, бир қувонди. Ўзимнинг аравамни ўзим тортыпман, шунга шукр, деди ичида. Шукр, ҳеч кимга оғирлиги тушмапти, ҳатто худо раҳмат қилгур эрининг қариндошларига ҳам ёрдами тегиб туради. Овсинларининг болаларига тижоратидан ортган буюмлардан ҳада қилиб, кўнгилларини олади. Қайсингиллари хурматини жойига қўяди, одамга бундан ортиқ эътиборини нима керак бора? Айрим кўшнларига ўхшаб умрини елга совириб, бегоналарни тафтиш қилиб яшамаяпти. Бекорчи вақтининг ўзи йўқ. Бозорга чиқади, боққа боради, кекса онасининг ҳолидан хабар олади. Туғишганлари тафтини олади. Бунисиғаям шукр. Қўшнлардан нон сўраб чиқмайди. Ризқини Оллоҳ етказиб турибди, ҳаракатдан сира тўхтамайдиган аёл болагина дилгир эди, кўнглидан ўтганлари уни анчайин тетиклантирди. Одамларга оғирлигинг тушмаслиги, уларга ёрдамни тегиб яшагининг ўзи саодат эмасми?

Унинг дили ёришди. Ҳар кунига шукрона айтди, фарзандларининг омонлигидан қувонди...

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

ТУЗОҚҚА ТУШМАНГ!

Одам савдоси жинояти трансмиллий хусусиятга айланганига кўп йиллар бўлди. БМТнинг маълумотларига кўра, сўнги вақтларда, айниқса, хотин-қизлардан товар сифатида фойдаланиш кўлами йил сайин ортиб бораётганлиги туфайли бу мудҳиш жиноят ортидан жуда катта моддий маблағ топиламоқда. Жабрланувчиларнинг асосий қисми жинсий эксплуатация мақсадида хорижий давлатларга олиб чиқилаётганлиги дунё аҳлини ташвишга солаётир. Замонавий куллик, қотиллик, одам ўғирлаш, чегарадан ноқонуний тарзда ўтиш, ҳужжатларни қалбақлаштириш ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ жиноятлар ҳам бевосита одам савдосига боғлиқ кечмоқда. Кундалик ахборот манбаларини кузатган киши бу ноҳус ҳолатнинг турли хил кўринишлари пайдо бўлаётганидан ҳайратга тушиши табиий.

Асосийси, одам савдосига қарши курашиш фақатгина ички ишлар идоралари ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларини эмас, балки кенг жамоатчиликни ҳам ҳамжихатликда фаолият юритишини талаб қилмоқда. Акс ҳолда бу долзарб муаммонинг ечимини топиш мушкуллашади.

Шу боис аср муаммосига айланаётган ушбу жиноятнинг имкони борича олдини олишга кўпроқ эътибор қаратиш етарли даражада самара бериши мумкин.

Бу борада туман ички ишлар бўлими томонидан махсус режа асосида ваколатли идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар иштирокида аҳоли ўртасида одам савдосининг салбий оқибатлари хусусида тарғиботни кучайтириш мақсадида учрашув, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Мухими, ҳар бир фуқаро мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаб етсагина, ғаразли ниятни касб қилиб олган кимсаларнинг тузоғи — ўргимчак тўрига тушиб қолмайди.

Шухрат БЕКОВ,
Тошкент вилояти Бўка тумани
ички ишлар бўлими тезкор
вакили, лейтенант.


Огоҳлик

АНДИШАНИНГ ЧЕГАРАСИ БОР

Айримлар етти маҳаллага таърифи кетгулик дабдабали тўй қилсам, деб ўйлашади-ю, аммо бўлуси келини ёки қувёнинг саломатлиги ҳақида бош қотиришмайди. Йигит ёки қизнинг хусни, бойлиги, ота-онасининг мартабаси ёки одоб-ахлоқи билан қизиқадилару, уларнинг насл-насаби, соғлигини сўраб-суриштиришга келганда андишага боришади. Ваҳоланки, бўлажак келин-куёвнинг саломатлиги келгусида туғилажак фарзандларнинг жисмоний баркамоллигини белгилашда муҳим ўрин тутушини ҳар доим ҳам англайвермаймиз.

Баъзи ота-оналарнинг "Яхши жойдан совчи келса, ўйлаб-нетиб ўтирмайлик, қанча вақтли узатсақ, оилага тез кўникади", деб ёш бўлса ҳам қизларини турмушга бериб юбораётгани, минг афсуски, оғир оқибатларга олиб келаётганига гувоҳимиз. Чунки фарзандининг ҳали соғлом фарзанд кўриш билан бирга мустақил оилани элпаб кетишга ҳали жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёр эмаслигини бундайлар унутган кўринади. Боз устига ҳали бирон бир касб-хунар эгаси бўлмаган, рўзгорни тебратиб иқтидори, салоҳияти етмайдиган жуда ёш йигитларни ҳам уйлантириб кўйишяптики, оқибатда арзимаган қийинчилик ва тушунмовчилик ортидан эр-хотин орасида низо келиб чиқмоқда. Ахир ҳаётнинг пасту баландини билмаган, турмуш дошқозонида қайнамаган гўр, мурғак йигитлар оила деб аталмиш муқаддас тушунчанинг кадрини тўлиқ тушуниб етиши учун йиллар керак бўлишини катталар уларнинг онига чуқурроқ сингдиришлари керак. Шу боис ўғил-қизлар касбли-хунарли бўлиб, бир ишининг бошини тутганидан кейингина никоҳдан ўтишса, тўйдан аввал ҳар икки ёшнинг саломатлиги бирдек кафолатланса, жамиятимизда ҳар жиҳатдан тўқис оилалар сони кўпайиб бораверади.

Лола НАРЗУЛЛАЕВА,
Самарқанд шаҳар 13-сон ДНИ нотариуси.





СИГИРДАН ПИШЛОҚ СОФИШ?..

Янги Зеландия олимлари шундай сигирлар подасини яратишганки, уларнинг генетик томондан тақомиллаштирилган сути ўз-ўзидан олий сифатли пишлоққа айланади. Дастлаб сигирларнинг сутида қимматли протеин моддаларнинг миқдорини оширишга қаратилган илмий-амалий тажриба ўтказилган ва кутилмаган-



да юқоридаги хусусиятлар пайқаб қолинган. Маълум бўлишича, илмий тажрибада сигир сут-без тўқималарида шундай ўзгариш юз берибдики, бу ўз навбатида сутда казеин миқдорини сезиларли даражада оширишга хизмат қиларкан. Сутда бу тоифа протеин миқдорининг ошиши ўз-ўзидан осон ва тез йўл билан сифатли пишлоқ тайёрлаш имконини беради. Бундан ташқари, бу каби сигирлар сутидан тайёрланган маҳсулотларда организм учун зарур кальций микроэлементи миқдорини доимий меъёردа сақлаш мумкин бўларкан.

ЁПИШҚОҚ ҚОҒОЗЛАР

Елимнинг мустақамлигини ошириш мақсадида амалга оширилган уринишлар муваффақиятсиз яқун топиши оқибатида ёпишқоқ қоғозлар ихтиро қилиниб қолган. 1968 йилда



"3-M" компанияси тадқиқот лабораторияси ходими ёпишқоқ тасма, яъни скотчинг мустақамлигини оширишга ҳаракат қилади. Натижада у ўзи ёпишган юзада из қолдирмайдиган галати елим яратади. Кашфиётчи скотч учун кераксиз бўлган бу елимни нима қилишни билмайди. Орадан тўрт йил ўтгач, унинг ҳамкасби китобларга изоҳ ёпиштириш мақсадида ана шу елимдан фойдаланади ва бугун ҳаммамиз яхши биладиган "Post-it Нотс" (Post-it Notes), яъни ёпишқоқ қоғозлар яратилади. Ёпишқоқ қоғозлар биринчи марта 1980 йилда сотувга чиқарилган.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ТОҒЛИК КУЁВ, БОРМИСИЗ?

Уч фарзанднинг онасиман. Кўп йиллардан бери ўқитувчи бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим билан катта қизимизни узатдик, ўғил уйлантирдик. Ҳозир тўрт нафар неварамиз бор. Энди кенжамиз Паризодани ҳам тагли-тугли хонадонга топширсак, кўнглимиз хотиржам бўларди.

Қизим туманимиздаги оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайди. Яширмайман, кунда кунора совчилар келади. Бирок саломатлигидан хавотирланганим учун турмушга узатишга бироз иккиланиб турибман. Сабаби, ҳар йили баҳор ойида Паризода ўзини ноқулай ҳис қилаверади. Гоҳ ҳаво етишмай қолади, гоҳида қўллари қичишади. Баҳор фасли ўтиши билан ўзини яна яхши сезади. Шифокорларга кўрсатсақ, қизингиз ҳаво алмаштириши керак, тоғлик ёки далага яқин жойда яшаса, вақти билан бу ҳасталик ўтиб кетади, дейишди. Шунинг учун ҳам "Бахтли бўлинг" рўқнига мурожаат қилганман. Ушбу саҳифа орқали танишиб, турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечираётганларнинг тақдири ҳақида яхши гаплар эшитяпмиз. Ажаб эмаски, Паризода қизим ҳам ўз жуфтини сизларнинг кўмагингизда топиб кетса.

Паризода 23 ёшда. 30 ёшгача бўлган, тоғлик худудларда яшовчи, иши, турар жойи тайин, бир сўзлик, мард йигитлар бўлса, узатардик.

КУМУШОЙ ОПА,
Навоий вилояти.

БИР МЕҲРИБОН ТОПИЛСАЙДИ...

24 ёшимда Маъфурахон билан турмуш қуриб, бир ўғил, бир қизлик бўлдик. Тақдир экан, фарзандларимиз 3-4 яшар бўлишганда рафиқам юрак хуружи билан вафот этди. Болаларим ёш бўлгани сабаб, қайнонам уларни ўзи билан олиб кетди. Орадан йиллар ўта бошлади. Қайнонамнинг ёрдамида фарзандла-

римни вояга етказдик. Улар улғаймагунча, ўз ҳаётим кўзимга кўринмади. Ниҳоят, оила қуриш истагида "Оила ва жамият" газетасининг "Бахтли бўлинг" рўқнига мурожаат қилдим. Кўп ўтмай, Зарифа исми бир аёл билан танишиб, турмуш қурдик. У жуда бамаъни, меҳрибон эди. Хонадонимиз нурга, рўзгоримиз баракага тўлди. Фарзандларим уни ҳурмат қилишар, самимий муносабатда эдилар. Зарифа ишдан бўш вақтларида қизимга уй юмушларини ўргатарди. Шу орада қизимга



Бахтли бўлинг

с о -
вчилар кела бошлади. Тўйни бошлаб юбордик. Кўп ўтмай ўғлимни ҳам уйлантирдик. Қисматнинг ўйинларини қарангки, бундан икки йил муқаддам Зарифанинг кутилмаганда тоби қочиб, ўрнидан туролмай ётиб қолди. Ҳаммамиз унинг атрофида парвона бўлдик. Бирок ҳеч бир муолажалар таъсир қилмади. Бир йил аввал Зарифа ҳам оламдан ўтди. Ҳозир ўғлим, келиним ва битта неварам билан бирга яшаймиз. Бандага ёлғизлик ярашмас экан. Шунинг учун яна сеvimли газетамга мурожаат қилганман.

Ёшим 55 да. Ҳовли-жойим бор.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ҚОРАҒАТ

Қорағат (смородина)ни бежизга "оила шифокори" туркумидаги ўсимликлар сирасига киритишмаган. Унинг қора, қизил ва оқ турлари бўлиб, мамлакатимизнинг барча жойларида ўсади. Унинг ранглари мевага махсус бўёқ бериб, шу ранглари унинг хусусиятларини белгилаб беради.

Таркиби қанд моддаси, олма, лимон, қахрабо каби органик кислоталар, минерал тузлар, С, В1, Р витаминлари, каротин, эфир мойлари, флавоноидлар, бўёқлар ва пектинга бой. Қорағатнинг қуртак ва баргларида кўп миқдорда С витамини ҳамда эфир мойи мавжуд.

Ибн Сино қорағат баргларида тайёрланган дамламани бод, тери касалликларида ҳамда терлатувчи, сийдик ҳайдовчи, шамоллаш билан боғлиқ касалликларни доволашда, қовуқдаги тошларни туширишда тавсия этган. Шунингдек, унинг барглари ва новдаларидан дамлама тайёрлаб, тери сили, ширинча ва диатез хасталикларига чалинган болаларни чўмилтириш гоаят фойдали эканлигини ўз манбаларида келтириб ўтган.

Халқ табобатида қорағат меваси юрак, буйрак, меъда, нерв ва атеросклероз касалликларида ҳамда ички аъзолардаги тошларни туширувчи, сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. У асаб тизимини тинчлантирувчи, хотирани мустақ-

Табиат — дорихона

камловчи, руҳий ҳолатни энгиллаштирувчи хусусиятга эга.

Смородина органик олма кислотасига бой бўлиб, организмдаги баъзи вирусларни йўқотиш хусусиятига ҳам эга. Бундан ташқари ўткир ичак касалликларида қўзғайдиган бактерияларни бартараф қилади. Шу тарзда қорағатнинг биологик фаол моддалари ўтқопи фаолиятининг яхшиланишига, жигарни тозаланишига ижобий таъсир кўрсатиб, юрак ва мускуллар фаоллигини оширади. Шунингдек, иммун тизимини мустақамлаб, танадан гормон ажралишини таъминлайди.

Қора қорағат шарбати овоз бўғилганда жуда яхши ёрдам беради. Бунинг учун унинг мевасини иккига бўлиб, устидан қайноқ сув қуйилади ва уни ичиб, томоқда бироз ушлаб турилса, бемор дарддан фориб бўлади.

Унинг баргларида дамлама тайёрлаб ичилса, цистит ва пиелонефрит касаллигига даво бўлиб, сийдик ҳайдовчи ҳамда тош туширувчи омил сифатида буйракка хизмат қилади. Бунинг учун 10 ош қошиқ янги қуритилган қорағат баргларида олиб, 2 литрли термосга дамлаб қуйилади. Тиндирилгач, оддий чой ўрнида кунига 3-4 стакандан ичилади. Таъбга қараб асал ёки шакар қўшиш мумкин.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Қўлимдан келгунича тадбиркорлик билан шуғулланаман. Агар имкони бўлса, тошкентлик, 45-50 ёшлардаги ҳамшира аёл бўлса турмуш қурмоқчиман.

ШОДМОН ака,
Тошкент шахри.

БАХТНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ ДЕЙДИЛАР

Жияним Камола ҳеч кимга айтолмаган сирларини менга ёрилади. Ўзини қийнаётган муаммолари, истакларини яширмайди. У илмга чанқоқ, оқила қизлардан. Олий маълумотли. Ҳозирда туманимиздаги мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс бермоқда. Дунёқараш кенг бўлса-да, оилада кенжа фарзандлиги учунми, бироз эрқароқ ўсган. Катта опаси ва акиси оила қуришгандан кейин уни ҳам узатиш вақти етганида Камола бўлажак варақларни ёқтирмай, совчиларни қайтараверди. Бирининг бўйини паст деса, яна бирини қорача экан деб баҳона топди. Ҳаш-паш дегунча у мана бугун 32 ёшга кириб қўйди. Ота-онаси энди сенинг кўнглингга қараб ўтирмай, бирортасига узатиб юборамиз дейишяпти. Бундан чўчиб кетган жияним бир ҳафта илгари менинг олдимга келиб, ўқимишли, самимий, ҳаётнинг қадрига етадиган, қатъиятли, дунёқараш кенг йигитга турмушга чиқмоқчи эканини айтди. Камоланинг орзусини амалга ошириш мақсадида сизларга мурожаат қилганман. Бухоро, Навоий ёки Самарқанд вилоятларидан 35 ёшгача бўлган, йигитлар овоз берсин.

НОЗИМА,
Бухоро вилояти.

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Ҳар куни тўрт граммдан қалампир-мунчоқ истеъмол қилган одамнинг зехни ўткир, фикрлари теран ва хотираси кучли бўлади.

Агар лабингиз табиий ва ёрқин рангли бўлишни истасангиз, иссиқ сувга аралаштирилган хинани лабингизга 15 дақиқа давомида суриб қўйинг, сўнг олдин илик, кейин совуқ сувда чайинг. Ниқобни ётган ҳолда қўйиш керак.

Бўйингизнинг новчароқ кўринишини истасангиз бели сал юқорирокдан бошлаб тикилган қўйлақларни кийинг.

Туз сақланадиган идишнинг қопқоғи ҳамшиша ёпиқ туриши шарт. Акс ҳолда туз хонадаги намликни, ноҳуш хидларни ва турли зарарли кимёвий газларни ўзига тортиб олади. Шу боис очиқ қолдирилган тузни ишлатмаганингиз маъқул.

Ёш болали оналарга цитрус мевалар, узум ҳамда уларнинг шарбатини истеъмол қилиш мумкин эмас.

Кўзларингизда пайдо бўлган шишани йўқотиш учун қирғичдан чиқарилган картошкани қовоғингизга 10 дақиқа қўйинг.

Уч ёшгача бўлган болаларга қовун ейиш тавсия этилмайди.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ҚАРС БИР ҚЎЛДАН ЧИҚМАЙДИ

Муносабат

“Ширин шарбатнинг аччиқ аламлари”, 25-сон.

Бу мақолада ҳаммамиз ҳар куни кўравериб, кўзимиз ўрганиб қолган кўнгилсиз манзаралар баҳоли қудрат тасвирланган. Мутахассислар ҳам имкон қадар ўз ваколатлари доирасида фикр юритиб, ҳақиқий ҳолатни айрим далиллар асосида шарҳлаган. Аслида-чи?

Кечаги яшанбада Янгиобод буюм бозори (собиқ “Тезиковка”), Қўйлиқ бозорига тушиганимда ҳар қадамда қўлбола ичимликлар — айрондан тортиб, бир неча хил компотлару, ўрик, олма шарбатлари, квасларгача сотилаётганига ғуваҳ бўлдим. Уларнинг аксарияти биз ўрганиб қолган баклашккалару очиқ идишларга солинган ва жазирама иссиқда турибди. Нарҳиям чаккимас, бир коса айрон 500 сўмдан миң сўмгача, компотлар эса литрига қараб баҳоланган. Каттаю кичик чанқоғини қондириш учун ичайпти. Мен “Янгиобод” бозорида бақчириб-чақчириб айрон сутаётган аёлдан бу ичимликни сотиши учун рухсат берилган-берилмаганини сўрадим. У истеҳзоли кулди-да, “Қанақа рухсатнома ака, жойимга яраша патта пулини тўлайман, холос”, деб

жавоб берди. Бу — бир ерда туриб сифати кафолатланмаган айрон сотилаётган ҳолат, энди оломон орасида юриб, ҳар хил турдаги ширин ва нордон шарбатларни пуллаётганларни ким назорат қилади?

Бундай ҳолатларни исталган катта кўча ва йўл бўйларига, бозорларда кўриш мумкин. Сизни билмадим, лекин мени бу “Долзарб мавзу” деб руқи қўйилган масаланинг бошқа бир огриқли жиҳати, яъни ушбу мақолага инсонларнинг энг улуг бойлиги — сиҳат-саломатлиги билан бевосита боғлиқ бўлган жиддий муаммоларга масъул ҳисобланган идора ва ташкилотларнинг умуман муносабат билдирмаётгани ўйлантирмайди. Матбуотни бежиз давр кўзгусига тенгмамаймиз. Шундай экан, газетам ўз ваколатидан келиб чиққан ҳолда кенг жамоатчилик (демак, дахлдор ташкилотлар ҳам бундан мустасно эмас-ку!) эътиборига ушбу муаммолар ечимини топишига кўмак сўраш учун рухсат берилган-берилмаганини сўрадим. У истеҳзоли кулди-да, “Қанақа рухсатнома ака, жойимга яраша патта пулини тўлайман, холос”, деб

этир. Қарс эса икки қўлдан чиқади, шекилли?
А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист.

ОНА ҲАМ, БОЛА ҲАМ ҲИМОЯДА

Савол-жавоб

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?

З.Жўраева.

Оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш масалалари фақат Оила Кодекси билангина тартибга солинмай, у биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчиликнинг деярли барча соҳаларида назарда тутилган нормалар билан ҳам тартибга солинади. Жумладан, Меҳнат Кодекси ижтимоий таъминот ҳақидаги қонун ҳужжатлари, Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси ва ҳоказо. Ушбу қонун ҳужжатлари билан оналик ва болаликка берилган ҳуқуқ ва имтиёзлар назарда тутилганига қолмай, бу ҳуқуқ ва имтиёзларни муҳофаза қилиш усуллари ва чоралари ҳам белгиланган.

Аёлларга бериладиган қўшимча кафолатлар хусусида маълумот берсангиз.

Д.Пардаева.

Меҳнат кодексига аёлларга ва оилавий вазибаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар белгилаб берилган. Бунга ҳомиладор ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтиришнинг таъқиқланиши, меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланиши, ҳомиладор аёлларнинг енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш амилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш амилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш ва бошқалар кирради.

ОШКОР ЭТИЛМАЙДИ

Оталикни расмий белгилаш қай тарзда амалга оширилади?

Ю.Эргашев,
Тошкент вилояти.

Ўзаро расмий никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш тартиби унинг ота-онаси ёки қонуний вакили томонидан ФХДЁ бўлимига тақдим этилган ариза асосида амалга оширилади. Оталикни белгилаш ҳақидаги далолатнома ёзуви ушбу аризага кўра қайд этилади. Алоҳида ҳолларда оталикни белгилашга оид ариза ота-оналардан бири яшаб турган ФХДЁ бўлимига бола туғилгунга қадар ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда бола туғилгунга қадар исми ва туғилган вақти ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмайди. Оталикни белгилашда албатта, отанинг ўзи шахсан иштирок этиши шарт.

Саволларга Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Гўзал НОРОВА ҳамда Ангрен шаҳар 2-сон ФХДЁ бўлими мудири Маҳфуза ИСМАИЛОВА жавоб берди.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ТОПТАЛМАЙДИ

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қандай оқибатларга олиб келади?

А.Холмирзаева.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш, шунингдек, болалик фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Бу вазият ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Шунингдек, ота(она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкий ҳуқуқларини, жумладан, мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола вазийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади. Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач, болани фарзандликка олишга йўл қўйилади.

Саволга Пастдарғом туман 1-сон ФХДЁ бўлими мудири Машхура МАЛЛАЕВА жавоб берди.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ «КАТТА ДУБУЛФА»ДА

Москвада ўтказилган “Катта дубулфа” туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари икки кумуш ва икки бронза медаль жамгарди.

Халқаро дзюдо федерациясининг (IJF) энг нуфузли мусобақаларидан бири — “Катта дубулфа” туркумидаги ушбу турнирда дунёнинг қирқ мамлакатидан 300 нафарга яқин энг кучли дзюдочи совринли ўринлар учун ўзаро куч синашди.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоасининг янги аъзоси — Эркин Дониёров 90 килограмм вазн тоифасидаги саралаш учрашувларида словакиялик Милан Рандл, чехиялик Александр Юречка, япониялик Хиротака Катони энгиб, иккинчи ўринни олди.

100 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан Осиё чемпиони Рамзиддин Саидов грузиялик Варлам Липартелиани, россиялик Сергей Самойлович бразилиялик Луисиано Корреа устидан қозонган галабалари эвазига кумуш медални қўлга киритди.

Тажрибали спортчиларимиздан Наврўз Жўрақобиллов ҳамда Мирзохид Фармонов шохсупанинг учинчи погонасини эгаллади.

«АНЖИ» БОШ МУРАББИЙИ ЎЗГАРДИ

Яқинда терма жамоамиз аъзоси Одил Аҳмедов тўп сурадиган Маҳачқалъанинг «Анжи» клуби бош мураббийи Гус Хиддинк жумоа раҳбарияти билан учрашиб, ишдан бўшаши ҳақида ариза ёзди.

«Анжи» ФК Гус Хиддинкка чексиз миннатдорчилик билдириб, унинг ишдан бўшаши ҳақидаги қарорини маъқуллади.

«Ушбу мураббийи шубҳасиз, клубнинг янги тарихини ёзишдаги муҳим шахслардан бири бўлиб қолаверди», дейилади клубнинг расмий баёнотида.

Энди Хиддинк ўрнини яна бир голландиялик мутахассиси Рене Меленстен эгаллайди. Бу ҳақда клуб бош директори Айваз Казиахмедов футболчиларга маълум қилди ва янги мураббийни таништирди.

Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.


Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги “Яланғоч” маҳалласи аъзолари шу маҳалла фаоли Адиба ая Мағзумовага турмуш ўртоғи ТўХТАМУРОД отанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳхлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

12 45

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 728. Формати А3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 6973. Баҳо-си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46